

12-1-2020

## IMPROVING FINANCIAL RISK MANAGEMENT METHODOLOGY

O. Hamdamov PhD

*Tashkent Institute of Finance*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

---

### Recommended Citation

Hamdamov, O. PhD (2020) "IMPROVING FINANCIAL RISK MANAGEMENT METHODOLOGY," *International Finance and Accounting*: Vol. 2020 : Iss. 6 , Article 2.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss6/2>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

**PhD, доц. О.Н.Ҳамдамов**  
Тошкент молия институти

## **МОЛИЯВИЙ РИСКЛАРНИ БОШҚАРИШ УСЛУБИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

*Мазкур мақолада акциядорлик жамиятларида молиявий рискларни баҳолаш ва бошқариш механизмини ривожлантиришнинг иқтисодий аҳамияти баён этилган. Халқаро амалиётдан келиб чиққан ҳолда молиявий рискларни бошқариш жараёнларининг асосий элементлари тадқиқ этилган. Молиявий рискларни баҳолашнинг математик асосларини таҳлил қилиш асосида, молиявий қарорлар қабул қилишидаги аҳамияти ёритилган. Акциядорлик жамиятларида молиявий рискларни бошқариш ва баҳолаш амалиётини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқилган.*

**Таянч иборалар:** молиявий риск, капитал, инвестицион лойиҳа, баҳолаш, молия бозори, молиявий менежмент, даромадлилик, эҳтимоллик, молиявий стратегия.

**PhD O.N.Hamdammov**  
Tashkent Institute of Finance

## **IMPROVING FINANCIAL RISK MANAGEMENT METHODOLOGY**

**Abstract.** *This article describes the economic importance of developing a mechanism for assessing and managing financial risks in joint stock companies. The main elements of financial risk management processes have been studied based on international practice. Based on the analysis of the mathematical basis of financial risk assessment, the importance of financial decision making is highlighted. Proposals have been developed to improve the practice of financial risk management and assessment in joint stock companies.*

**Key words:** *financial risk, capital, investment project, valuation, financial market, financial management, profitability, probability, financial strategy.*

## **КИРИШ**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг жорий босқичида акциядорлик жамиятларида замонавий молиявий бошқарув механизмини ривожлантириш, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтказишни жадаллаштириш, устав капиталида давлатнинг улушини босқичма-босқич камайтириш ҳамда хорижий инвесторларга сотиш амалиётини ривожлантириш каби устувор йўналишлар бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Ўз навбатида юқоридаги ислохотларнинг амалга оширилиши акциядорлик жамиятлари инвестицион жозибадорлигини таъминлаш билан бирга халқаро молия бозорининг муҳим иштирокчисига айланишига ижобий таъсир кўрсатади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фамонида ҳам “давлат иштирокидаги корхоналарда истеъмолчига йўналтирилган замонавий бошқарув усуллари, очиклик, шаффофлик ва бозор тамойилларини жадал жорий этиш, таннархни пасайтириш орқали даромадларни ошириш, ислохотлар жараёнида хусусий капитал иштироки учун кенгроқ имкониятлар яратиш, иқтисодиётда

давлат иштирокини қисқартириш ва рақобат муҳитини янада яхшилаш мақсадида” муҳим устувор вазифалар белгилаб берилган [1].

Албатта, бу каби ислохотларни амалга оширилиши акциядорлик жамиятлари томонидан халқаро молиявий менежмент амалиётини босқичма босқич такомиллаштириб боришни тақозо этади. Айтиб ўтиш керак, айрим акциядорлик жамиятларида молиявий менежмент бўйича алоҳида бўлинма ёки масъул ходимлар тайинланган бўлсада, уларнинг бажаридиган функциялари халқаро амалиётдан кўп томонлама фарқ қилмоқда. Биргина молиявий менежментнинг асосий функцияларидан бири саналган молиявий рискларни бошқариш ва баҳолаш механизмини бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Молиявий рискларни, нафақат назарий нуқтаи назардан молиявий натижалар билан боғлиқ эхтимолликларини аниқлаш балки унинг пировард натижа яъни фойдага таъсирини миқдорий баҳолаш, молиявий рискларни камайтиришга доир чора тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ қилиш, молиявий рискларни бошқариш сиёсатини ишлаб чиқиш кабилар долзарб аҳамият касб этади. Шунинг учун бугунги кунда акциядорлик жамиятларини трансформация қилиш жараёнларини амалга ошириш билан бир қаторда корпоратив баҳолаш амалиёти сингари муҳим йўналишларни ривожлантириб бориш муҳим ҳисобланади.

### **АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ**

Назарий тадқиқот натижаларига кўра, компаниялар молиявий фаолият жараёнида юзага келадиган ҳар қандай риск дастлаб муаммо сифатида қаралади. Молиявий рискларни бошқариш жараёни (Issue Management Process)га бағишланган Project Workflow Management: a Business Process Approach [2] номли китобда, баъзи бир муаммолар лойиҳани мазмунан (қайта) ўзгартиришга эҳтиёжни келтириб чиқариши мумкинлиги, қайд этиб ўтилган. Умуман олганда лойиҳанинг rischi, бу номаълум ҳодиса бўлиб бунинг юзага келиши натижасида қиймат, режа ва сифат нуқтаи назаридан лойиҳа натижаларига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги тушунилади [3]. Молиявий қарор қабул қилувчиларни уларнинг молиявий рискларга мойиллигига кўра иккита гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳ риск даражаларига мойиллиги паст бўлганларни ўз ичига олади. Иккинчи гуруҳга эса, молиявий рискга мойиллиги юқори бўлганлар киради [4]. Халқаро стандартлар асосида молиявий риск даражасини баҳолашга доир ёндашувларга кўра, “фискал қисқаришлар даражаси, молия бозоридаги вазият ва тизимли молиявий рискни баҳолаш орқали молиявий кўрсаткичларнинг аниқлиги ва самарадорлигини кузатиш учун логистик регрессия усули ишлатилади” [5]. Профессор П.Мореснинг фикрига кўра, риск-бу мақсадларнинг функцияси. Айнан эришилган натижаларнинг кутилган натижалардан четланиш даражалари рискни намоён этади. Мақсадли ва аниқ белгиланган натижа мавжуд бўлмаса, мавҳумлик юзага келади. Белгиланган мақсад ва аниқ натижадан четга чиқиш даражаси риск даражасини оширилишига туртки бўлади. Бунинг натижасида аҳоли ва корхоналарнинг молиявий ёки бошқа

жиҳатлардан йўқотишларга ва (ёки) даромадларга ёхуд ижобий натижаларга эга бўлиши кузатилади [6]. Ноаниқлик иқтисодий субъект ташқи муҳитининг ажралмас қисмидир. П.Хейненинг фикрига кўра, фойда “ноаниқлик шароитида шаклланади, агар ноаниқлик бўлмаган тақдирда фойда олиш билан боғлиқ барча нарсалар маълум бўлиб, фойда олиш билан боғлиқ барча имкониятлар тўлиқ фойдаланган ҳамда риск даражаси нолга тенг бўлар эди” [7]. А.Шапкиннинг фикрича, рискли вазиятнинг ажралмас шarti ноаниқликнинг мавжудлиги ҳисобланади. Шундай қилиб, ноаниқлик рискли вазиятнинг ажралмас элементи [8]. И.Ванькович рискларни бошқариш тизими нафақат риск оқибатларини бартараф этишга, балки риск мавжуд бўлган вазиятда юзага келадиган имкониятлардан фойдаланиш; хусусан, рискларни бошқариш риск омилларининг салбий таъсирига қарши курашишга ҳам, уларнинг натижаларидан ижобий фойдаланишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёни сифатида ҳам кўриб чиқилиши мумкин [9].

Мамлакатимизда ҳам кейинги йилларда молиявий рискларни бошқаришнинг назарий ва амалий муаммоларига бағишланган илмий тадқиқотлар амалга ошириб келинмоқда. Р.Х.Карлибаеванинг фикрига кўра, риск-менежмент интеграллашган тизимининг асосий функционал вазифаси, молиявий қарорлар қабул қилиш жараёнида ташқи ва ички муҳит таъсирида вужудга келувчи рискларни минималлаштириш ёки уларнинг салбий таъсирини нейтраллаштириш ҳисобланади [10]. Б.Тошмуродова ва С.Элмирзаевлар муаллифлигидаги “Молиявий менежмент” номли дарсликда “Қорхоналарда молиявий рисклар белгиланган мақсадларни амалга оширишнинг ноаниқлиги шароитида молиявий фаолиятдан кўзланган мақсад натижаларига йўналтирилган мулкдорлар ёки молиявий менежерлар томонидан қабул қилинган муқобил молиявий қарорларни танлашнинг иқтисодий зарар (молиявий йўқотиш)лар келтириш эҳтимолини ўзида акс эттиради” [11] деб тариф берилган.

## **ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ**

Тадқиқот ишини бажариш жараёнида мавзуга доир концептуал ёндашувларни илмий тадқиқ қилиш, умумлаштириш, таҳлилнинг мантиқий ва таққослама усуллари, абстракт-мантиқий фикрлаш, танланма адабиётлар таҳлили каби усуллардан фойдаланилган.

## **ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР**

Молиявий рискларни бошқариш ва баҳолашга доир аввалги илмий мақолаларимизда рискларни баҳолашнинг эконометрик асосларини таҳлили, бошқаришнинг илмий асосларини тадқиқ этган бўлсак, мазкур илмий тадқиқот ишимизда халқаро амалиётда молиявий рискларни бошқаришнинг умумий методологиясидан келиб чиққан ҳолда миллий амалиётимизга жорий этиш имкониятлари ва мазкур илмий йўналишдаги камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан илмий хулосаларимизни баён этамиз. Молиявий рискларни бошқариш жараёнларининг бош мақсади, аниқ бир лойиҳа бўйича

кўрадиган бўлсак лойиҳа бўйича барча турдаги рискларни аниқлаш ва ўрганиш асосида мазкур рискларни бартараф этиш ёки минималлаштириш мақсадида уларни бошқаришга доир аниқ чора тадбирларни ишлаб чиқиш ва фаолиятга тадбиқ этиш тушунилади. Таъкидлаш лозимки, молиявий менежментда “риск ва даромадлилик” концепциясида илгари сурилган ғояга мувофиқ, молиявий фаолият жараёнида молиявий рисклар юзага келиши мумкин бўлган имкониятларга нисбатан юқори устунликка эга ҳисобланади. Шунинг учун лойиҳа бўйича молиявий менежерлар асосий эътиборни молиявий фаолиятдан олинмаган фойда билан бир қаторда молиявий рискларни бошқаришга эътиборни қаратадилар. Стратегияларни ишлаб чиқишда асосий эътиборли жиҳатлардан бири, рискларни бартараф этиш ёки унга таъсир эта олиш имкониятининг мавжудлиги ҳисобланади, чунки лойиҳанинг умумий сметаси мазкур стратегиялардан келиб чиққан ҳолда ўзгартирилиши ёки қўшимчалар киритилиши мумкин. Молиявий рискларни бошқариш жараёнларини қуйидаги учта асосий босқичга ажратиш мумкин (1-расм):

1. Молиявий рискларни баҳолаш – бу босқич рискларни идентификация қилиш ва таҳлил жараёнларидан иборат.

2. Молиявий рискларга таъсир этиш (камайтириш)ни режалаштириш – мазкур жараён ўз ичига лойиҳанинг сифати, қиймати ва режасига молиявий рискларни салбий таъсирларини минималлаштириш ёки бартараф этиш кабиларни олади.


3. Молиявий рисклар мониторинги – молиявий рискларни вужудга келишини мониторинг қилиш жараёни эса, кузатув ва таҳлил натижасида аниқланган ҳар бир рискга таъсир этиш чораларини ҳисобга ҳолда лойиҳа режасига ўзгартиришлар киритишни назарда тутади.

Расм маълумотларидан кўринадик, молиявий рискларни бошқариш жараёнининг барча босқичларида, акциядорлик жамиятлари томонидан ташқи консалтинг (молия, суғурта, аудит, солиқ ва ш.к.) хизматларидан кенг фойдаланган ҳолда маслаҳатларни амалга ошириш, корпоратив тузилмалар билан ўзаро муносабатларни олиб бориш ҳамда юқоридаги барча босқичларда амалга оширилаётган ишларнинг натижалари ва самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиб бориш зарур бўлади. Молиявий рискларни бошқариш услубий асосларини такомиллаштиришдаги муҳим йўналишларидан бири, ҳар бир молиявий риск учун кутилаётган пулнинг қийматини (EMV)<sup>1</sup> ҳисоблаш тушунилади. Молиявий рискларни бошқаришда EMV усулидан фойдаланилганда рискларнинг даражаси аниқ қийматларда баҳоланади. Бундан ташқари ушбу усулдан фойдаланиш жараёнида тахминий коэффициентлардан (10%, 40%, 65% ва 90%) фойдаланилади, чунки баҳолаш жараёнида аниқ миқдорларни танлаб олишнинг имконияти мавжуд эмас.

Акциядорлик жамиятларида молиявий рискларни бошқариш маълум бир тамойилларга асосланган ҳолда амалга оширилади. *Риск вужудга келишини олдиндан қабул қилиш ёки тан олиш тамойили.* Корхона раҳбарлари ёки

<sup>1</sup> EMV (Expected Monetary Value) – молиявий рискларни бошқаришнинг асосий элементларидан бири бўлиб, рискларни миқдорий таҳлил жараёнида қўлланилади.

молиявий менежерлари молиявий операцияларни амалга ошириш асосида даромад олишни мақсад қилса, олдиндан риск вужудга келишини қабул қилиши ёки тан олиши лозим бўлади.



1-расм. Молиявий рискларни бошқариш жараёни<sup>2</sup>

Акциядорлик жамиятлари молиявий менежерлар “рискдан қочиш” тактикасига амал қилган ҳолатда молиявий операцияларни бажарган тақдирда ҳам, корхона фаолиятига рискни таъсирини йўқотиб бўлмайди, чунки молиявий

<sup>2</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

риск хўжалик – молиявий операцияларни амалга ошириш жараёнида вужудга келувчи объектив ҳодиса ҳисобланади. *Қабул қилинаётган рискларни бошқариш имкониятининг мавжудлиги тамойили.* Молиявий рисклар портфели<sup>3</sup>га объектив ёки субъектив хусусиятидан қатъий назар бошқариш жараёнида бартараф қилиш ва салбий оқибатларини камайтириш имконияти мавжуд бўлган рискларни киритиш зарур. Бошқариш имконияти мавжуд бўлмаган яъни, форс – мажор гуруҳига мансуб рискларни бекор қилиш, бизнес ҳамкорларга (шерикларга) ёки ташқи суғурталовчиларга ўтказиш зарур бўлади. *Молиявий фаолиятдан олинадиган даромад ҳажми билан қабул қилинаётган риск даражасининг таққосланиши тамойили.* Корхонада молиявий рискларни самарали бошқариш жараёнида мазкур тамойил муҳим аҳамият касб этиб, мазкур тамойилнинг муҳимлиги шундаки, корхона хўжалик – молиявий фаолиятини амалга оширишдан олинадиган даромаднинг ҳажми мос равишда мазкур фаолият натижасида вужудга келиши мумкин бўлган молиявий рискларни бартараф этиш учун қилинган харажатларни қоплай олиши зарур. *Риск даражаси билан корхона кўриши мумкин зарарларни таққосланиши тамойили.* Корхонада томонидан рисклилиқ даражаси юқори ҳисобланган операцияларни амалга ошириш жараёнида кўрилиши мумкин бўлган зарарларнинг ҳажми, мазкур турдаги фаолиятдан кўрилган зарарларни қоплаш мақсадида қилинган захиралар миқдорига мос келиши лозим. Акс ҳолда, рисклилиқ вазиятларини вужудга келиши корхона активларининг маълум бир қисмини йўқотилишига сабаб бўлиб, истиқболдаги ривожланиш даражасини салбий тарафга ўзгариши ва фойдани тушиб кетиши каби ҳолатларни вужудга келтириши мумкин. *Рискларни бошқаришда вақт омилини эътиборга олиши тамойили.* Корхона томонидан амалга ошириладиган молиявий операцияларнинг давомийлиги қанча кўп бўлса, молиявий рискларни таъсир доираси мос равишда кенгайиб боради. Бунинг натижасида молиявий рискларни салбий оқибатларини бартараф этиш имкониятлари камайиб боради. Шунинг учун корхона молиявий менежерлари молиявий рискларни бошқариш жараёнида рисклилиқ даражаси юқори саналган молиявий операцияларнинг муддатларини доимий назоратга олиши лозим.

Юқорида молиявий рискларни бошқаришнинг илмий назарий жиҳатларига доир ёндашувларни таҳлил қилиб чиқдик. Халқаро тажрибалардан келиб чиққан ҳолда, молиявий рискларни баҳолашга доир математик инструментларни (формулаларни) умумлаштирган ҳолда қуйидаги жадвалда келтириш мумкин (1-жадвал). Таъкидлаш лозимки, ушбу жадвалда келтирилган формулалар молиявий рискларни миқдорий баҳолашнинг барча жиҳатларини тўлиқ қамраб олмайди.

---

<sup>3</sup> Хорижий адабиётларда кенг фойдаланиладиган атама бўлиб, умумий маънода корхона молиявий фаолиятига таалуқли бўлган турли хил кўринишдаги барча молиявий рискларнинг умумий мажмуи ҳисобланади.

Молиявий рискларни баҳолашда фойдаланиладиган асосий кўрсаткичлар

№	Формула	Кўрсаткичлар	Изоҳ
1.	$R_p^2 = var(\theta_1 r_1 + \theta_2 r_2) = \theta_1^2 E(r_1 - \bar{r}_1)^2 + \theta_2^2 E(r_2 - \bar{r}_2)^2 + 2\theta_1 \theta_2 E(r_1 - \bar{r}_1)(r_2 - \bar{r}_2) \Rightarrow \theta_1^2 \sigma_1^2 + \theta_2^2 \sigma_2^2 + 2\theta_1 \theta_2 cov_{1,2}$	$\theta_1 \sigma_1, \theta_2 \sigma_2$ – мос равишда портфелдаги биринчи ва иккинчи активларнинг улуши ва стандарт четланиши, $r_1, r_2$ – активларнинг даромадлиги $\bar{r}_1$ ва $\bar{r}_2$ – активларнинг кутилаётган (ўртача) даромадлиги.	$X$ ва $Y$ (иккита) активлардан иборат портфел $\sigma_p^2$ даромадлиги дисперсияси
2.	$\sigma_p^2 = \theta_X^2 \sigma_X^2 + \theta_Y^2 \sigma_Y^2 + 2\theta_X \theta_Y \sigma_X \sigma_Y corr_{XY}$		Активларнинг даромадлиги корреляцияси асосида аниқланадиган портфелнинг риск даражаси
3.	$\sigma_p = \sqrt{\theta_X^2 \sigma_X^2 + \theta_Y^2 \sigma_Y^2 + 2\theta_X \theta_Y \sigma_X \sigma_Y corr_{XY}} = \sqrt{(\theta_X \sigma_X + \theta_Y \sigma_Y)^2} = \theta_X \sigma_X + \theta_Y \sigma_Y$		Корреляция коэффициенти +1 га тенг бўлганда портфелнинг риск даражаси
4.	$\sigma_p = \sqrt{\theta_X^2 \sigma_X^2 + \theta_Y^2 \sigma_Y^2 + 2\theta_X \theta_Y \sigma_X \sigma_Y * 0} = \sqrt{(\theta_X^2 \sigma_X^2 + \theta_Y^2 \sigma_Y^2)}$		Корреляция коэффициенти 0 га тенг бўлганда портфелнинг риск даражаси
5.	$\sigma_p = \sqrt{\theta_X^2 \sigma_X^2 + \theta_Y^2 \sigma_Y^2 + 2\theta_X \theta_Y \sigma_X \sigma_Y corr_{XY}} = \sqrt{(\theta_X \sigma_X - \theta_Y \sigma_Y)^2} = \theta_X \sigma_X - \theta_Y \sigma_Y$		Корреляция коэффициенти -1 га тенг бўлганда портфелнинг риск даражаси
6.	$\sigma_p =  \theta_1 \sigma_1 - \theta_2 \sigma_2 $		Портфел даромадлигини стандарт четланиши
7.	$\theta_1 = \frac{\sigma_2^2 - \sigma_1 \sigma_2 corr_{1,2}}{\sigma_1^2 + \sigma_2^2 - 2\sigma_1 \sigma_2 corr_{1,2}}$	мос равишда $\theta_2 = 1 - \theta_1$	Портфелдаги улушига кўра, риск даражаси кам (дисперсияси паст) бўлган активларни аниқлаш
8.	$R_p = \sqrt{\sum_{i=1}^n \sum_{j=1}^n \theta_i \theta_j cov_{ij}}$	$\theta_i, \theta_j$ ,- портфелдаги $i$ ва $j$ - активларнинг улуши, $cov_{ij}$ - $i$ ва $j$ -актив даромадлиги ковариацияси	Агар портфел таркибида активлар сони $n$ тани ташкил этадиган бўлса, портфелнинг даромадлигини аниқлаш
9.	$\sigma_p^2 = \sum_{i=1}^n \theta_i^2 \sigma_i^2 = \sum_{i=1}^n (1/n)^2 \sigma^2 = (1/n)^2 \sum_{i=1}^n \sigma^2 = (1/n)^2 n \sigma^2$		Портфел таркибида $n$ та активлар бир хил улушга эга бўлгандаги портфелнинг риск даражасини аниқлаш
10.	$\sigma_p^2 = \sum_{i=1}^n (1/n)^2 \sigma^2 + \sum_{j=1}^n \sum_{i=1}^n (1/n)^2 corr_{ij}$		Агарда портфел таркибидаги активлар ўзаро тенг улушга ( $\theta_i = 1/n$ ) ҳамда бир хил мусбат корреляция ва дисперсияга ( $0 < corr_{ij} < 1$ ва $corr_{ij} = const$ ) эга бўлса, портфелнинг риск даражасини аниқлаш



Чунки биргина илмий мақола орқали молиявий рискларни баҳолашнинг барча йўналишларини қамраб олиш мумкин эмас. Бундан ташқари молиявий рискларнинг турлари, таркиби ва бошқа хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда кенг қамровли бўлиб, ҳар бир риск даражасини баҳолашда алоҳида ёндашув талаб этилади. Жадвал маълумотларидан фойдаланган ҳолда, турли активлардан шаклланган портфел рискни баҳолаш мумкин. Акциядорлик жамиятларида портфел рискни баҳолаш, портфел таркибида мавжуд алоҳида олинган активларнинг ўртача риск даражаси ёки умумий портфел риск даражасидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Портфел рискни баҳолаш, акциядорлик жамиятлари ижро органи раҳбарлари ёки молиявий менежерлардан амалий кўникмалардан ташқари эконометрик ёндашувларни ҳар томонлама таҳлил қила олиш қобилиятини ҳам талаб қилади. Чунки, рақамли иқтисодий ривожлантиришда нафақат ишлаб чиқариш жараёнларига замонавий ёки рақамли технологияларни жорий этиш балки, молиявий бошқарув тизимини ислоҳ қилишда эконометрик молиявий прогнозлаштириш инструментларини жорий этиш ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

### **ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР**

Молиявий рискларни бошқариш тизими акциядорлик жамиятлари томонидан танланган ривожланиш стратегиясига мос келувчи умумий тамойиллар, мезон ва ёндашувларга асосланиши лозим. Бошқарув тизимини бундай тартибда ишлаб чиқиш, корхонага максимал фойда олиб келувчи рискларни бошқариш учун асосий кучларни бир жойга йиғиш, корхона қабул қилиши мумкин бўлган рискларни меъёрий ҳажмини аниқлаш ҳамда рискларни бошқариш учун зарур бўладиган молиявий ресурсларни ажратиш имкониятини беради. Ўз навбатида айтиш керакки, молиявий рискларни бошқариш, бошқаришни тежамкорлиги ҳамда рискларни ўтказиш (тақсимлаш) имкониятини ҳисобга олиш каби муҳим тамойилларга ҳам таяниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 декабрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни молиявий соғломлаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 1013-сонли Қарори асосида ишлаб чиқилган Низомга, халқаро тажрибалардан келиб чиққан ҳолда “Корхоналар молиявий-иқтисодий аҳволини акс эттирувчи кўрсаткичлар” қаторига, инвестицияларнинг риск ва даромадлилик даражасини баҳоловчи кўрсаткичларни киритиш мақсадга мувофиқ. Бунинг натижасида инвестор корхонага киритаётган сармоясининг иқтисодий самарадорлигини аниқлашдан ташқари ҳар бир олинган бирлик молиявий натижага тўғри келадиган риск даражасини баҳолай олиши мумкин бўлади. Мазкур жараёнларни тартибга солиш ва назорат амалга ошириш ваколатини Капитал бозорини ривожлантириш Агентлигига бириктириш лозим.

Портфелни самарали бошқариш моделлари молиявий ресурсларни тўғри тақсимлаш ва уларни оқилona бошқаришга қаратилган бўлади.

Мақсадни бу каби қўйилиши портфелнинг самарадорлигини ошириш билан бирга, лойиҳаларни реализация қилиш муддатларини қисқартириш ҳисобланади. Юқорида биз томондан келтирилган математик-статистик усуллардан фойдаланишнинг бош мақсади ҳам, портфелнинг самарадорлигига таъсир этувчи алоҳида омилларни аниқлаш, омилга таъсир этиш орқали пировард молиявий натижани ўзгартириш, истикболда молиявий ҳолатни тўғри прогноз қилиш ҳамда корхонада корпоратив ошқоралик ва инвестицион шаффофликни таъминлаш ҳисобланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони.
2. Epstein D., Maltzman R. Project Workflow Management: a Business Process Approach. Plantation: J. Ross Publishing. 2014 у.
3. Эпштейн Д. Процесс управления рисками//Управление проектами и программами. DOI: 10.36627/ 01(61)2020.
4. Wookjae Neo, Abed Rabbani, John E.Grable. An Evaluation of the Effect of the COVID-19 Pandemic on the Risk Tolerance of Financial Decision Makers//Finance Research Letters, 11 November 2020, 101842. - P. 6; <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S1544612320316561>
5. Anzhong Huang, Lening Qiu, Zheng Li. Applying Deep Learning Method in Tvp-Var Model Under Systematic Financial Risk Monitoring and Early Warning//Journal of Computational and Applied Mathematics, Volume 382, 15 January 2021, 113065. - P.16; <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0377042720303563>
6. Peter Moles. Financial Risk Management. Sources of Financial Risk and Risk Assessment. Edinburgh Business School, 2013, p 16.
7. Хейне П. Экономический образ мышления/П.Хейне. – М.: Новости М., 2007. – 544 с.
8. Шапкин А.С. Экономические и финансовые риски. Оценка, управление, портфель инвестиций/А.С.Шапкин, В.А.Шапкин.-8-е изд.-М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и Ко», 2012.-544 с.
9. Ванькович Инна Михайловна Совершенствование оценки влияния финансовых рисков на деятельность компаний. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Москва - 2015 г.
10. Карлибаева Р.Х. Акциядорлик жамиятларида молиявий менежмент тизимини самарали ташкил этиш йўллари: дисс.автореферати. и.ф.д. – Тошкент, 2018. – 27 б.
11. Тошмуродова Б.Э., Элмирзаев С.Э., Турсунова Н.Р. Молиявий менежмент. Дарслик. – Т.: “Иқтисод-молия”, 2017. – 234-бет.